

Бир бор экан, бир йўк экан, баланд тоғ бағридаги серўт, кўм-кўк водийда бир эчки ўз болалари билан яшар экан. Биринчи боласи Булбули, иккинчиси Гулсари, учинчиси Саргули, тўртинчиси Хамиртуруш, бешинчиси Мирвахўриш, олтинчиси Лолакизгалдок деб аталар экан.

Эчки болаларини жуда ҳам севар, улар учун хатто ўз жонини ҳам аямас экан. У хар куни тоғ бағридаги ўтлокка ўтлагани чикиб кетар экан. Болаларига эса, эшикни ичкаридан тамбалаб олишни, уйдан ҳеч ёкка чикмасликни тайинлар экан. Шундан кейин кўм-кўк ўтлокдаги барра ўтлардан тўкиб-тўйиб ер, баланд тоғ бағридан шаркиллаб окиб тушаётган шишадек тиник булок сувларидан кониб-кониб ичар экан. Унинг бутун фикри-зикри болаларини бокиш экан. Болалари учун тоғдаги калин, барра ўтлардан йигиб копга солиб, уларни кўтариб уйга кайтар экан, у эшикни охиста такиллаб, мулойим озоз билан болаларини чакириб шундай дер экан:

*Булбулижон болам,  
Саргулижон болам,  
Гулсарижон болам,  
Хамиртуруш болам,  
Мирзахўриш болам,  
Лолакизгалдок болам,  
Оч эшикни, жон болам,  
Копим тўла ўт келтирдим,  
Елиним тўла сут келтирдим,  
Оч эшикни, жон болам!*

Шунда эчкичалар кувонишиб, эшикни очар эканлар. Она эчки келтирган майса ўти ва ширин сути билан болаларини хўп тўйгизар экан. Сўнгра уларни ялаб-юлкаб, эркалаб ухлатар экан. Эртасига эчки яна болаларини эмизиб, уларнинг олдига барра ўтларни ташлаб, ўтлокка жўнар экан.

Улар шундай роҳатда яшаб юрганларида бошларига бир иш тушибди. Шу яқиндаги горда бир бўри пайдо бўлиб қолибди. Бу оч бўри кексалигидан ўз тўдасидан ажралиб, шу ерда қолган экан. Унинг нияти шу орадаги қучсиз хайвонларни тутиб еб, қун кўриш экан.

Она эчки ўтлокда ўтлаб юрган вақтида бўри ҳам уйқусидан уйғониб гордан чикибди ва роҳат қилиб қеришибди. Унинг қорни ўлгидек оч экан. У тумшугини юқори кўтариб хавони искабди ва увлаб юборибди:

— Ауууввв! Эчки иси келяпти. Шу яқин ўртада эчкилар борга ўхшайди, қорним ҳам очган эди, чўкки соқол бефаҳмларни маза қилиб ейдиган бўлдим, — деб ўйлабди бўри. У шундай дебди-ю, думини қисиб гордан водийга қараб секин йўл олибди. Ўтлаб юрган она эчки ўзига қараб қелаётган бўрини кўриб, елкасидаги ўтни бир чеккага қўйибди, найзага ўхшаш шохли қалласини бўри томонга қаратиб олибди. Айёр бўри эчкини

чалгитиб, унинг ён томонидан якинлашмокчи экан, она эчки ўзини ўнглаб, бўрини шундай сузибдики, ўткир найзадек шохининг учлари бўрининг корнини ёриб юборишга оз колибди. Бўри думини кисиб ундан четланибди, унга караб:

— Шошмай тур, лаънати, сен билан бошкacha гаплашаман, — дебди.

Эчки уйига кайтибди. Бўри ҳам унинг оркасидан корама-кора бора берибди. Эчки ўз уйига якинлашганда, бўри шу уй якинидаги ўпконга тушиб олиб эчкини кузатиб турибди. Эчки эса, майин овоз билан болаларини эркалаб чакириб эшикни очишларини сўрабди. Болалари эшикни очишиб, она эчки ичкарига кирибди.

— Болаларим, — дебди эчки, — энди эhtiёт бўлинглар, ўтлогимизда бир ёвуз бўри пайдо бўлибди. У менга хужум килди, мен зўрга кутулиб колдим. Мен йўк пайтда эшикка чикманглар, тагин бўри келиб сизларни еб кетмасин.

— Хўп, онажон, эhtiёт бўламиз, — дебди эчкичалар. Ўпкондан ўтирган бўри эчки уйга кириши билан у ердан чикиб, «хай-хай» дебди лабларини ялаб, «мен онасини емокчи эдим, бу ёқда семиз-семиз болалари бор экан. Онасининг гўштига тишим ҳам ўтмас эди, болаларининг гўшти мендай кекса бўри учун яхши, эртагаёк онаси кетган махалда келганим бўлсин» деб ўйлабди ва горга кайтибди. Эртаси она эчки ўтлагани кетганида бўри эчкининг уйига келиб, худди она эчкидек эшикни тикиллатибди ва кўпол хирилдок овоз билан ашула бошлабди:

*Булбули болам,  
Лолакизгалдок болам,  
Оркам тўла ўт обкелдим  
Эмчагим тўла сут обкелдим,  
Эшикни оч, болаларим!*

Эчки болалари: «Бу хирилдок товуш билан ашула айтаётган ким?»—деб сўрабдилар.

— Мен ойиларинг бўламан, — дебди бўри.

Эчкилар бу чакирган ўз оналари эмаслигини сезиб колишибди.

— Йўк, сен бизнинг онамиз эмассан, онамизнинг овози сеникига ўхшаш хирилдок эмас, онамиз оппок, кошларида ўсма, кўзларида сурмалари бор, — дебди, эчки болаларидан бири.

Шунда бўри ҳеч нарса килолмай тарвузи кўлтигидан тушиб, кайтиб кетибди. У шу кетганча тўгри тоғ багридаги катта арча тагига бориб ўтириб, эчки болаларини қандай килиб кўлга тушириш хақида ўйлай бошлабди. Ўйлаб-ўйлаб охири бир йўл топибди. У тиник булок сувига тушиб, танаси куримасдан туриб, тоғлар орасидаги охакли жойга борибди ва кукундек бўлиб ётган охакнинг устига аганаб олибди. Шунда унинг жунлари худди она эчкиникига ўхшаб оппок бўлиб колибди. Бўри қошига ўсма, кўзига сурма кўйиб олибди-да, яна эчкининг уйига келибди. Эшик тиркишидан караса, уйда эчки болалари ўйнаб юрган эканлар. Шу вақт эшик олдига келибди-да, эшикни охиста тикиллатиб, овозини она эчкиникига ўхшатиб ашула бошлабди:

*Булбулижон болам,  
Саргулижон болам,  
Гулсарижон болам,  
Хамиртуруш болам,  
Мирзахўриш болам,  
Лолакизгалдок болам  
Оч эшикни, жон болам!  
Копим тўла ўт келтирдим,  
Елиним тўла сут келтирдим,  
Оч эшикни, жон болам!*

Эчки болалари ўз оналарининг товушига ўхшаган бу товушни эшитиб, севиниб эшик олдига келибдилар. Гулсарижон эшик занжирини эндигина туширган экан хамки, сабри чидамаган бўри бор кучи билан ичкарига интилибди. «Кочинглар, бўри экан», деб кичкирибди Саргулижон ва ўзи ўша захоти эшик оркасига бекинибди. Колганлари эса дуч келган жойга: бири ўчокнинг ичига, бири сандикнинг ичига, бири уйнинг тоқчасига бекинишибди...

Бўри тандир ичига эшик оркасига ва тахмонга бекиниб олган эчкилардан бошка учта эчки боласини еб, чикиб кетибди.

Бир оздан сўнг она эчки ўтлоқдан кайтиб келибди. У эшикнинг очик колганини, уйдаги хамма нарсанинг ағдар-тўнтар бўлганини кўриб, югуриб уйга кирса, ҳеч ким кўринмабди. У титрок товуш билан болаларини чакирибди. Ҳеч ким жавоб бермабди. Иккинчи кайта чакирганда тахмонга, тандир ичига ва эшик оркасига яширинган уч боласи олдида пайдо бўлибди. Улар оналарига йиглаб-сиктаб бўлган воқеани айтиб берибдилар.

Она эчки каттик кайгурибди. У бўридан қандай килиб ўч олиш йўлини излай бошлабди. Ўйлаб-ўйлаб ахири бир йўл топибди.

Эчкининг ховлисида эски ўраси бор экан; эчки бу ўрага олов ёкибди, олов лаҳча чўг бўлгач, ўранинг устига бир эски бўйрани ташлаб, унинг устига шолча ёзибди. Шолча устига кўрпачаларни солиб, дастурхон ясабди. Ўзи эса ўша захоти қозон-товокка уннаб, ошнинг харакатига тушибди, ошга гуруч солиб дамлабди. Болаларини уйда қолдириб, ўзи бўрини излаб кетибди. Кидириб-кидириб уни топибди. Бўри қор олдидаги супада дам олиб ётган экан. Эчки унга таъзим қилиб, салом берибди ва кўлини кўксига кўйиб: — Бўри ака, — дебди, — кеча мен йўғимда болаларим дан учтасини қандайдир номаълум махлук еб кетибди. Мен шунга худойи қилдим, агар жанобингизнинг қўнғиллари тиласа, бизнинг уйимизга қадам ранжида қилсалар.

Қорни ўлгудек тўқ бўлишига қарамай, бўри дарров қўна қолибди. Улар эчкининг уйига келибдилар. Нози-неъмат билан тўла дастурхонни кўрган бўри, ўра устига солинган қалин кўрпача устига энди ўтирмоқчи бўлган экан, бўйра ўпирилиб, бўри ўра ичига ағанаб тушибди. Лаҳча чўг устига тушган бўри бирдан додлаб юборибди.

— Вой-дод, — дебди бўри ўра ичида ўзини қар томонга уриб, — вой-дод, қуйиб кетяпман, қутқаринглар! Лаънати эчки мени тортиб ол.

Шунда эчки қулиб:

— Ҳечкиси йўқ, таксир, — дебди, — менда қуйганинг дориси бор. Шунда бўри ўра ичида додлаб туриб:

— Куйганга нима дори? — дебди.

— Гаримдори дори, — деб жавоб берибди эчки.

— Ташла гаримдорингни!

Эчки ўрага бир шода гаримдори ташлабди. Бўри уни куйган жойларига ишкаган экан, бир алами ўн бўлиб яна бакирибди:

— Куйганга нима дори? — деб сўрабди.

— Туз дори, — деб жавоб берибди эчки. — Ташла тузингни! — дебди бўри. Эчки бир хумча туз ташлабди.

Бўри тузни баданига суртиб яна додлабди.

— Куйганга нима дори?

— Чакиртиканак дори, — дебди эчки.

У бир кучок чакиртиканак ташлабди. Бўри унга аганабди, унинг азоби юз баробар кўпайибди. У каттик-каттик кичкириб, охири азоб билан жон берибди. Эчки омон қилган болалари билан тинч яшабди.